

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019.Tar/Уш/ИС/24.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОГАМОВ САРВАР НИҒМАТУЛЛАЕВИЧ

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ЭКСПОРТНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ҚўЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ**

08.00.09. – «Жаҳон иқтисодиёти»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Инағомов Сарвар Нигматуллаевич

Хитой Халқ Республикасининг экспортни рағбатлантириш тажрибасини
Ўзбекистон Республикасида қўллаш имкониятлари.....3

Inogamov Sarvar Nigmatullayevich

Possibilities of applying experience of People's Republic of China's export
promotion in the Republic of Uzbekistan28

Инагамов Сарвар Нигматуллаевич

Возможности использования опыта продвижения экспорта Китайской
Народной Республики в Республике Узбекистан51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019.Tar/Уш/ИС/24.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОГАМОВ САРВАР НИҒМАТУЛЛАЕВИЧ

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭКСПОРТНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ҚўЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

08.00.09. – «Жаҳон иқтисодиёти»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Iqt1170 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифасида(uwed.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Баходир Асадуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори профессор

Расмий тақризчилар:

Шарифхўжаев Шавкат Акилович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Салихов Жасур Шавкатович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ТИВ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.11/30.12.2019.Tag/Yu/I/S/24.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри Мустақиллик шохкўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00, e-mail: rectorat@uwed.uz)

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Хамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

О.А.Юсупджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

А.А.Исажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги кўплаб ривожланаётган мамлакатлар экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатининг узоқ муддатли ташқи савдо натижалари таҳлилидан халқаро савдо глобал ўсиш, ривожланиш ва қашшоқликни камайтиришнинг энг муҳим омили эканлигини кузатиш мумкин. Шунга мувофиқ, кўплаб мамлакатлар ташқи савдони рағбатлантиришга қаратилган муҳим ислохотларни амалга ошириб келмоқдалар. Хусусан, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишда давлат томонидан имтиёзли кредитлар, давлат субсидиялари ажратиш ва тўғри танланган валюта сиёсатини амалга ошириш орқали ХХР импорт ўрнини босувчи иқтисодиётдан экспортга йўналтирилган иқтисодиётга айланди. «2020 йил маълумотларига кўра, бутун жаҳон савдо айланмаси 2019 йилда 34,14 трлн»¹ АҚШ доллариغا тенг бўлиб, бундан 12,1 фоизи ХХРнинг улушига тўғри келади. Бугунги кунда ХХР дунёда етакчи савдо ҳамкор давлатга айланган ҳолда, умумий экспорт кўлами «2020 йилда 2,590 трлн»² АҚШ долларга тенг бўлиб, умумий жаҳон экспортининг 15,02 фоизини ташкил этган. Бу эса ўз навбатида Хитой Халқ Республикасининг экспортни рағбатлантириш тажрибаси мисолида фаол ташқи савдо балансига эришиш имкониятини кўрсатади.

Жаҳон мамлакатларида экспортни давлат томонидан рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда ташқи савдони рағбатлантиришнинг илмий-назарий асосланган ҳолда комплекс тадқиқ қилиш ва уларни такомиллаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан Хитой Халқ Республикасининг экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ташқи савдони ривожлантириш, экспорт географиясини диверсификация қилиш борасида тўплаган кўп йиллик тажрибаси илмий жиҳатдан алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу боис асосий эътибор ХХР экспорт кўламининг жаҳон савдо айланмасидаги улушининг ўсишини ўрганишга қаратилмоқда. Тадқиқотларда Хитой Халқ Республикасининг жаҳон иқтисодиёти тизимига жадал интеграциялашувига сабаб бўлган асосий омиллар қаторига мамлакатда толлинг операцияларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганлиги, географик қулай жойлашуви, минтақавий меҳнат тақсимотларидан унумли фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестицион иқлимнинг қулайлигини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришнинг заруратини келтириб чиқарди.

Республикаميزда экспортни давлат томонидан рағбатлантириш соҳасида экспортни кредитлаш, экспортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, экспорт географиясини диверсификация қилиш йўллари

¹ Trade statistics for international business development Monthly, quarterly and yearly trade data. Import & export values, volumes, growth rates, market shares, etc. https://www.trademap.org/Country_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c156%7c%7c%7cTOTAL%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1

² Unctad statistics электрон манба 14.04.2020 <https://unctadstat.unctad.org/wds/TableViewer/tableView.aspx>

назарий-методологик ва амалий жиҳатдан ўрганиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 25 майдаги ПФ-5057 сонли «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сонли «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ-3303-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4135-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий назариялари шаклланиши ва ташқи савдодан оладиган ютуқлари, экспортни рағбатлантириш ва ташқи савдо географиясини диверсификация қилишнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш, кузатув, тизимли таҳлил, нисбий таққослаш, корреляция-регрессия, статистик ва иқтисодий-математик усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганилган тадқиқотларни уч гуруҳга ажратиб ўргандик:

Биринчи гуруҳга ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг назарий асосларини методологик жиҳатдан ўрганилган тадқиқотлар киритилган бўлиб, буларга А.Смит³, Д.Рикардо⁴, Э.Хекшер⁵,

³ *Смит А.* Исследование о природе и причинах богатства народов. / Вступит. статья и комментарий В.С.Афанасьева. — М.: Издательство социально-экономической литературы, 1962. — 684 с.

⁴ Д.Рикардо «Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное (сборник)». М.: Эксмо, 2007, 70-120 ст.

<https://www.livelib.ru/book/1000243438-nachala-politicheskoy-ekonomii-i-nalogoovogo-oblozheniya-izbrannoe-sbornik-rikardo-david>

⁵ Хекшер Э.Ф. Влияние внешней торговли на распределение дохода // Вехи экономической мысли. Т. 6. Международная экономика / А. П. Киреев. — М.: ТЕИС, 2006. — С. 154-173. — ISBN 5-7598-0439-1

Б.Олин⁶, савдо назарияларида, экспорт салоҳиятини ошириш, экспортни рағбатлантириш бўйича М.Портер⁷, Р.Вернон⁸, С.Каррер, Д.Канг⁹, Ш.Мурат¹⁰, Ф.Бергштейн¹¹ В. Стросс-Кан¹², ва М.Георгий¹³, Ф.Авдокушин¹⁴, Н.Котляров¹⁵, В.Михеев¹⁶, М.Александрова¹⁷, У.Кумар¹⁸, Г.Ганшин¹⁹ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Иккинчи гуруҳга Хитойда экспортни рағбатлантириш ва ташқи савдони ривожлантириш муаммолари бўйича Ба Цзинь Син²⁰, Фу Цай Хуэй²¹ Линь Ифу²², Зху Х²³, Занг Ф.²⁴каби олимлар томонидан ўрганилган.

Учинчи гуруҳга ишнинг назарий ва услубий асосини халқаро савдони ривожлантириш, иқтисодий ривожланиш ва экспортни қўллаб-қувватлашда давлатнинг ўрни, ҳусусан, классик ишланмалар билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларга бағишланган мазкур масала юзасидан Ўзбекистонлик олимлардан Н.Сирожиддинов²⁵, Б.Ходжаев²⁶, И.Мавланов,²⁷ А.Исаджанов²⁸

⁶ Б.Олин. Влияние внешней торговли на распределение дохода /http://www.seinstitute.re/Files/Veh6-09_B.Olin.pdf

⁷ Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations: With a New Introduction. – N.Y.: The Free Press, 1990.

⁸ Vernon R. International Investment and International Trade in the Product Cycle // Quarterly Journal of Economics. 1966. N 2 (May)

⁹ World Bank, Washington, DC. Jean-Jacques Hallaert, Ricardo Cavazos Cepeda, and Gimmin Kang. 2011.

¹⁰ Murat Sheker. 2010. «Trade Policies, Investment Climate, and Exports across Countries». World Bank Policy Research Working Paper No. 5654, World Bank, Washington, DC

¹¹ China and The Collapse of Doha C. Fred Bergsten <https://www.foreignaffairs.com/articles/china/2008-08-27/china-and-collapse-doha>

¹² (1926,1934). Olivier Cadot, Céline Carrère, and Vanessa Strauss-Kahn. 2011. «Trade Diversification: Drivers and Impacts.»

¹³ /[N._Gregory_Mankiw]_Principles_of_Microeconomics_(BookZZ.org).pdf, N. GREGORY MANKIW HARVARD UNIVERSITY 2008.

¹⁴ Ф.Авдокушин; Теоретические основы экономической реформы в КНР. М.: Изд. ВЗПИ А/О «Росвузнаука», 1990. - 216 с

¹⁵ Н. Котляров; Экономические отношения КНР с США. М.: ЗАО Центрполиграф, 2003. - 351 с.

¹⁶ Михеев В. Глобализация экономики Китая / под ред. М.: Памятники исторической мысли, 2003. - 392 с.

¹⁷ М.Александрова Экономическое взаимодействие регионов России и Китая в период реформ. М.: Изд. «Огни», 2005. - 262 с.

¹⁸ Kumar U. (2010). The role of trade facilitation in Central Asia: A gravity model, Working Paper, № .628 . New York: Levy Economics Institute.

¹⁹ Г.Ганшин: Экономическая реформа в Китае: эволюция и реальные плоды. М.: Восточная Литература РАН, 1997. - 207 с.

²⁰ Ба Цзинь Синь Формирования транснациональных корпораций с Китайским капиталом // Афтореферат Москва 2006

²¹ Фу Цай Хуэй Джастин Ифу Лин (林毅夫, 付才輝) Доклад о трансформации и обновлении структуры мировой экономики: путь к новой структурной экономике Издательство Пекинского университета 2018/09/01 (世界經濟結構轉型升級報告：新結構經濟學之路//北京大學出版社)

²² Линь Ифу (林毅夫) Новая структурная экономика Пекинского университета 12/01/2018 新結構經濟學 (典藏版) 北京大學出版社 Линь Ифу (林毅夫) Понимание китайской экономики 01.10.2013 // Издатели: Times Publishing (紅色經濟：林毅夫中國經濟觀點)

²³ Zhu H., Euchner J. The Evolution of China's Innovation Capability // Research Technology Management, – 2018. №61:3, P. 11–15. DOI: 10.1080/08956308.2018.1445385.

²⁴ Melaas A., Zhang F. National Innovation Systems in the United States and China. A Brief Review of the Literature. Tufts University. Medford, MA. 2016. 30 p

²⁵ Внешнеторговая стратегия: импортозамещение или экспортная ориентация? <https://www.gazeta.uz/ru/2018/03/24/strategy/>, Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. – Ташкент, УМЭД, 2004. -224 с.

²⁶ Ходжаев Б.А. Методологические аспекты обоснования экспортного потенциала как фактора эффективности внешнеэкономической деятельности – Халқаро муносабатлар . –Тошкент 2002.№3. -33-39 бет

Б.Исламов²⁹ С.Аъзам³⁰, С.Закирова³¹, Н.Зуфарова³², Л.Мингишов³³, каби иқтисодчиларни илмий изланишларини алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиздир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув шароитида миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хитой Халқ Республикасининг экспортни рағбатлантириш механизми ҳамда экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш стратегиясини Ўзбекистон Республикасида экспортни рағбатлантиришни янада такомиллаштириш ва ташқи савдо диверсификациясини кенгайтириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асосларини ўрганиш;

жаҳон хўжалиги тизимларини мамлакатларда экспортни рағбатлантириш жараёнларига таъсирини даврий босқичларга ажратиб ўрганиш;

ХХРнинг мавжуд экспорт фаолияти даражаси, ўсиши ва бозордаги улуши, экспорт таркиби ва географиясининг диверсификация даражасини аниқлаш;

Хитой ва Ўзбекистон Республикаларининг савдони осонлаштириш бўйича амалга оширган жараёнларини қиёсий жихатдан таҳлил қилиш;

ХХРнинг янги экспортчиларининг бозорга кириб бориши ва рақобатбардошлилигини аниқлаш;

Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар бериш;

Хитой Халқ Республикасининг тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасидаги экспорт қилинадиган махсулотлар экспортини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

²⁷ Мавланов И.Р. Экономическая дипломатия. – Москва: «Аспект Пресс», 2016, - 528 с. Мавланов И.Р. Экономическая дипломатия Республики Узбекистан // Внешняя политика стран СНГ / Ред.—сост.

²⁸Исаджанов А. Внешнеэкономическая политика Китая в условиях глобализации. Халқаро муносабатлар. Т., 2009. - №1. – с 30-36

²⁹Исламов Б. Осиё мустақил давлатлари: трансформацияси ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларининг қиёсий таҳлили: Дисс. Автореферат. И.ф.д. – Т., 2002 – 43 б.

³⁰. С.Аъзам. Trade and Environment: Do Spatial Effects Matter? <https://EconPapers.repec.org/RePEc:pra:mprapa:73113>, С.Аъзам. Совершенствование качества экспортируемых товаров в международной торговле. Российский внешнеэкономический вестник №1 – 2018. Ст.66-77.

³¹ С.Закирова «Халқаро муносабатлар» Тошкент ЖИДУ 2006 (№224 сон) Ўзбекистон ва Хитой ШХТ доирасидаги иқтисодий интеграция 50-56 бетлар.

³² Н.А.Зуфарова., Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатини миллий иқтисодиёт барқарорлиги шароитида модернизациялаш. Диссертация. Тошкент 2012, 264 бет.

³³ Л.Мингишов Ўзбекистонда экспорт рақобатбардошлигини оширишни асосий йўналишлари монография Тошкент «Иқтисодиёт» 2019 й

Тадқиқот объекти ХХРда экспортни рағбатлантириш стратегиясининг Ўзбекистон шароитига мос жиҳатларини ўрганиш.

Тадқиқот предмети Хитойда экспортни давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари ва стратегияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатидан ўрганилган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида назарий ва амалий ўрганиш, кузатув, тизимли таҳлил, нисбий таққослаш, корреляция-регрессия, статистик ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ўртасида кунлик товарларга бўлган эҳтиёж, нархларни таҳлил қилиш ва масъул ташкилотларга тақдим этиш, шу жумладан, харидор топишга кўмак бериш учун ягона электрон платформа яратиш зарурияти илмий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналарида “халқаро маркетолог” вазифаларини амалга ошириш жорий қилинди ва уларнинг функционал вазифаларига чет эл бозорларида нисбий устунликка эга бўлган миллий маҳсулотларни экспорт салоҳиятини доимий таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги савдо уйлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги тўғридан тўғри ҳамкорликни мувофиқлаштириши илмий жиҳатидан асосланган;

Хитой Халқ Республикаси эксим (Exim Bank of China) банкининг экспортни кредитлаш бўйича шартнома имзолаш ҳамда шартнома асосида хориждан буюртмалар топиб, уларни ўша давлат талаблари бўйича миллий ишлаб чиқарувчиларга кредит асосида буюртма бериш амалиётини Ўзбекистонда қўлланилиши миллий ишлаб чиқарувчиларни экспорт фаолиятини рағбатлантириш нуктаи назаридан муҳимлиги асослаб берилган;

экспортни рағбатлантириш идораларида товар-хом ашёларини тўғридан тўғри чет эл бозорларига экспорт қилиш имкониятини берувчи брокерлик фаолиятини йўлга қўйиш таклифи асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг экспорт ҳажмига таъсир этувчи омиллар эконометрик баҳоланган;

кейинги йилларда экспорт бозорларининг сезиларли даражада кенгайишига сабаб бўлган товар тури ва аниқ соҳалар очиб берилиб, мазкур соҳалар бўйича солиқ имтиёзларини белгилаш, экспортнинг географик жиҳатдан диверсификацияланишига олиб келиши асослаб берилган;

2017-2019 йил ҳолати бўйича Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида савдони осонлаштириш бўйича амалга оширилган фаолиятнинг қиёсий таҳлили ўтказилган;

Жаҳон банкининг «Doing business» маълумотлари асосида «Халқаро савдо» кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикасини эгаллаб турган позициясини янада яхшилаш юзасидан амалий таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги унда расмий нашрларда чоп этилган статистик маълумотлар ҳамда апробациядан ўтган монографик тадқиқот натижаларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтгани ва олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

XXРнинг экспортни рағбатлантириш тажрибасини ўрганишга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар муайян даражада Хитой Халқ Республикасининг экспортни рағбатлантириш тажрибасини ўрганишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда экспортни рағбатлантириш йўналишларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ўртасида кунлик товарларга бўлган эҳтиёж, нархларни таҳлил қилиш ва масъул ташкилотларга тақдим этиш, шу жумладан, харидор топишга кўмак бериш учун ягона электрон платформа яратиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинди ва <https://uzchinaexport.com> платформаси ишга туширилди. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги 5400 сонли фармонинг 9 хатбошисида келтирилган давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, глобал ахборот майдонида мамлакатимиз манфаатларини илгари суриш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш орқали Ташқи ишлар вазирлиги тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 19 июнидаги 05-1/30826-сонли маълумотномаси).

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналарида “халқаро маркетолог” вазифаларини амалга ошириш жорий қилинди ва уларнинг функционал вазифаларига чет эл бозорларида нисбий устунликка эга бўлган миллий маҳсулотларни экспорт салоҳиятини доимий таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги савдо уйлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги тўғридан тўғри ҳамкорликни мувофиқлаштириш белгиланди. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги 5400 сонли фармонинг 3-хатбошисида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолиятига мамлакатимиз маҳсулотлари, ишлари (хизматлари) экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, инвестициялар, илғор технологиялар ва туристлар оқимини мамлакатга жалб этишга йўналтирилган янгича ёндашув ва усулларни жорий этиш вазифаларини бажариш мақсадида фойдаланилди.

(Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 19 июнидаги 05-1/30826-сонли маълумотномаси).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узтрейд» акциядорлик жамияти миллий ишлаб чиқарувчиларимизни қўллаб қувватлаш мақсадида Хитой Эксим банкининг (Exim Bank of China) экспортни кредитлаш бўйича шартнома имзолаш тажрибаси ҳамда шартнома асосида хориждан буюртмалар топиб, уларни ўша давлат талаблари бўйича миллий ишлаб чиқарувчиларга кредит асосида буюртма бериш механизмини Республикамизга татбиқ қилиш таклифи амалиётга жорий қилинди ва «Узтрейд» акциядорлик жамияти томонидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган компаниянинг ривожланиш дастурига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узтрейд» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 23 октябрдаги 01/06/-908 сонли маълумотномаси). Юқоридаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узтрейд» акциядорлик жамияти экспорт фаолияти кўламини ошириш йўлида фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узтрейд» акциядорлик жамияти экспорт фаолияти кўламини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, экспортни қўллаб қувватлаш мақсадида товар-хом ашё биржаларида нисбатан арзон ва чет давлатларда нисбий устунликка эга бўлган маҳсулотларни доимий ўрганиб боровчи ҳамда уларни тўғридан-тўғри чет эл бозорларига экспорт қилиш имкониятини берувчи акциядорлик жамиятининг брокерлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича берилган таклиф амалиётга жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узтрейд» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 23 октябрдаги 01/06/-908 сонли маълумотномаси). Юқоридаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узтрейд» акциядорлик жамияти экспорт фаолияти кўламини ошириш йўлида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 2 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, объекти, тадқиқот объекти ва предмети, усуллари, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, олинган натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва татбиқ қилиниш ҳолати, таҳлил натижаларининг чоп қилиниш даражаси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

«Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришнинг илмий назарий асослари» деб номланган биринчи бобида жаҳон хўжалигида экспортни рағбатлантиришни назарий асослари ва рағбатлантиришнинг эволюцион ривожланиш босқичлари, шунингдек, Хитой Халқ Республикасида экспортни рағбатлантиришнинг назарий асослари ҳамда замонавий методологияси ўрганилган ва илмий хулосалар чиқарилган.

Биринчи бобининг биринчи параграфи давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлашнинг классик ҳамда замонавий назариялари ва қарашлари ўрганилган.

Таҳлиллар асосида жаҳон хўжалигида экспортни давлат томонидан рағбатлантиришнинг восита ва шаклларида келиб чиққан ҳолда 1945 йилдан бошлаб, яъни Жаҳон савдо ташкилотининг ташкил топишидан, то бугунги кунга қадар бўлган даврни олти босқичга бўлган ҳолда кўриб чиқилди.

Экспортни рағбатлантиришнинг жаҳон хўжалигидаги эволюцион ривожланиш босқичлари

1.1.1-расм.



**Расм муаллиф ишланмаси.*

Биринчи босқич 1945-1951 йиллар мамлакатлар томонидан экспортни қўллаб-қувватлашнинг илк босқичи сифатида қаралиб, ушбу давр БМТ ташкилоти ҳамда тарифлар ва савдо бўйича бош келишувнинг ташкил топганлиги билан характерли бўлгани қайд этилган. Бу даврда давлатлар

халқаро савдонинг унификациялашган тамойилларидан фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Иккинчи босқич 1951-1957 йилларни ўз ичига олиб Европа темир ва пўлат уюшмасининг ташкил топгани билан аҳамиятлилиги қайд этилган. Масалан, бу даврда алоҳида олинган мамлакатлар гуруҳи маълум товар турларига нисбатан алоҳида тарифлар асосида савдо алоқаларини олиб борганлар.

Учинчи босқич 1958-1974 йилларни ўз ичига олган бўлиб «нефть инқироzi» натижасида ривожланган мамлакатларда саноатнинг янги соҳалари вужудга келгани ҳамда давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш дастак ва шакллари ўзгарганлиги билан характерланади.

Тўртинчи босқич 1975-1994 йилларни ўз ичига олиб, бу давр янги саноатлашган мамлакатларнинг экспортни қўллаб-қувватловчи алоҳида дастакларни ишлаб чиққани ва қўллагани билан характерли бўлган. Масалан, тўртинчи босқичда давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлашнинг янги босқичини бошлаб берган мамлакатлардан бири Хитой Халқ Республикаси бўлди. 1978-1994 йиллар мобайнида ХХРда бозор иқтисодиётини қайта куришнинг янги босқичи бошланди.

Бешинчи босқич 1995-2009 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, давлатларнинг экспортни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг бир хиллашишида Жаҳон савдо ташкилотининг ўрни катта бўлгани билан характерланади.

Олтинчи босқичда 2009 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, (фақат ХХР иқтисоди) 2009 йилдаги Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi ҳолатида ХХР иқтисоди, хусусан, экспортни рағбатлантириш жараёни ҳолати ўрганилган.

Шу билан бирга биринчи бобда экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатлар томонидан қўлланиладиган бир қатор восита ва дастаклар ўрганилди.

Илмий ишнинг иккинчи бобида ўрганилган назарий асослардан келиб чиққан ҳолда, Хитой Халқ Республикасининг экспортни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш вазифаси қўйилди.

«Глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикаси тажрибасида экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тизимининг хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида Хитой Халқ Республикасида экспортни рағбатлантиришнинг асосий дастаклари ва уларни қўллаш йўналишлари, Хитой Халқ Республикасида экспортни қўллаб-қувватлаш тенденцияси ҳолати ва мамлакат иқтисодий кўрсаткичларининг экспортга таъсири таҳлили ўрганилган, шунингдек, ташқи савдони гравитация модели орқали баҳоланган ва тегишли хулосалар ишлаб чиқилган.

ХХРнинг 40 йиллик ташқи иқтисодий сиёсатини кузатадиган бўлсак, замонавий Хитой саноат кластерларини яратишда кўпинча импортни тақиқловчи ёки қатъий чекловлардан фойдаланганини кузатишимиз мумкин.

Хитой Халқ Республикасида экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тажрибасини таҳлил қилиш ташқи савдони тартибга солиш ва

рағбатлантиришнинг қуйидаги асосий дастак ва усуллари қўлланилган йўналишларни кузатиш имконини берди. Жумладан:

1.Тариф ва нотариф усулларининг ўзига хослиги, Хитой ташқи савдони ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда божхона тарифларини ўзгартириш имкониятларидан максимал даражада фойдаланган. Тарифсиз тартибга солиш одатда миқдорий ва яширин протекционизм ҳамда молиявий усулларга бўлинади.

Кантитатив чекловлар (сифатли чеклашлар) квоталар, лицензиялаш, "ихтиёрий" экспорт чекловлари, шунингдек, экспорт ва импорт бўйича тақиқларни ўз ичига олади. Кантитатив чеклашларнинг энг кенг тарқалган шакли тариф квотаси ҳисобланиб, ХХРда 2 турдаги экспорт квоталари қўлланилади: биринчиси дунёнинг барча мамлакатлари ва иккинчиси алоҳида мамлакатлар учун. Ҳозирги вақтда тирик хайвонлар гўштини Ҳонг Конг ва Макао мамлакатларига экспорт қилиш бўйича квоталар мавжуд.

2. ХХРнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий базаси унинг мураккаблиги ва кенглигидадир. Масалан «2001 йил ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида **200** дан ортиқ қонун, **700** га яқин давлат кенгашини фармони ва **40** мингта маъмурий ҳужжатлар қабул қилинди»³⁴.

Экспортни қўллаб қувватлашда Хитой Халқ Республикаси тажрибасини таҳлил қилиш билан баробар шуни таъкидлаш керакки, 2001 йил ноябр ойида ХХРнинг ЖСТга аъзо бўлиши муҳим аҳамият касб этди ва мамлакатнинг халқаро товар алмашинувида янги босқични белгилаб берди. Жаҳон Савдо Ташкилоти берган маълумотига кўра, Хитой 2001 йилда ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлганидан сўнг, **10** йил давомида Хитойга нисбатан «**602** протекционист текширув ўтказилди, шу жумладан **510** та антидемпинг текшируви, **43** та антидот текшируви, **106** ҳолатда ҳимоя чоралари кўрилди». Хитой таҳлил чиларини фикрига кўра юқоридаги текширувлардан кейин ҳам ХХРда экспорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан савдо тўсиқлари сони бўйича дунёдаги етакчилардан бири ҳисобланади³⁵.

3. Экспортни молиявий ҳамда ташкилий қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган асосий ташкилотлар (субъектлар) уларнинг функциялари ва фаолиятларининг такомиллашганлиги;

Экспортни молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий субъектлари Хитой Эксим банки (Exim Bank of China) ва Хитой Банки (Bank of China) ҳисобланади. Икки Банк ҳам экспорт ва импортга қарз бериш ҳуқуқига эга. Хитой Халқ Республикаси маҳсулотларини сотиб олган миллий

³⁴ Хитой Халқ Республикаси молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари [Электрон ресурс] <http://gss.mof.gov.cn> кирилган сана 15.02.2019

³⁵ [Электрон ресурс]: Аналитический обзор о мерах, принимаемых в Китае по защите внутреннего рынка и по поддержке национальных экспортеров // Сайт Министерства экономического развития Российской Федерации: http://www.ved.gov.ru/exportcountries/cn/cn_market/cn_pract_access/ кирилган сана 15.02.2019

экспортчилар ва хорижий тузилмаларни кредитлаш юқоридаги ташкилотларнинг асосий вазифаси деб белгиланган.

Банкнинг асосий вазифаси Хитой маҳсулотларини, биринчи навбатда, машиналар, ускуналар ва бошқа юқори технологик маҳсулотларни экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш ва халқаро савдо соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш орқали Хитой ҳукуматининг саноатни ривожлантириш, ташқи савдо ва молия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Банк Хитой давлати томонидан ривожланаётган мамлакатларга расмий кўмак кўрсатиш чораларини амалга ошириш учун рухсат берилган ягона тузилма бўлиб, ушбу фаолиятини иккита восита орқали амалга оширади:

1. «Давлатлар аро имтиёзли кредитлар бериш».
2. «Кафил турувчи иккинчи давлат корхоналари орқали импортчиларга имтиёзли кредитлар бериш».³⁶

4. Мамлакат ҳудудлари иқтисодиёти ва ўзига хос ижтимоий, географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий ҳудудларнинг алоҳида турлари ташкил этилганлиги.

ХХРда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг ривожланиши бевосита мамлакатда инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ички бозорни ҳимоя қилиш ва яратилаётган миллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш миллий экспотёрларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Тадқиқотларга кўра, Хитойнинг иқтисодий ривожидан эркин иқтисодий ҳудудлар ўрнининг йилдан-йилга ошиб бориши қуйидагилар билан изоҳланади:

- эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият юритувчи хорижий инвесторлар учун божхона тўловлари ва солиқлар бўйича имтиёзларнинг мавжудлиги;

- эркин иқтисодий ҳудудларда юқори хорижий технология асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш орқали яратилган маҳсулотларни кенг кўламли экспорт қилишнинг самарали механизми ташкил этилганлиги;

- оддий ва юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнлари ўзаро уйғунликда ривожланиши таъминланганлиги;

- эркин иқтисодий ҳудудларда иқтисодий ривожланишга эришишда илмий-техник жараёнлардаги моддий ресурслар истеъмолини ва бошқарувдаги инновацияларни ривожлантиришга қаратилган ҳар томонлама мустақил инновацияларга кенг имкониятлар берилганлигидир.

ХХРда давлат томонидан экспортни рағбатлантириш мақсадида олиб борилган сиёсат натижасида Хитой товар ва хизматлари экспорти динамикаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

³⁶ Хитой экспорт импорт банки (Exim Bank of China) расмий сайти <http://english.eximbank.gov.cn/Business/index.html#ourBusiness-xwy-1> кирилган сана 15.05.2019,

2006-2019 йилларда Хитой товарлар ва хизматлар экспортининг ўзгариш динамикаси³⁷

2.1.1-расм.



Жадвал муаллиф томонидан UNCTADSTAT маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларига киритилган хорижий инвестициялар, давлатнинг экспортни молиявий ҳамда кўрилган ташкилий чора-тадбирлар натижасида товарлар ва хизматлар экспорти 2006 йилга нисбатан 2019 йилда 2,6 бараварга кўпайди. Шунингдек, экспорт товарлар ва хизматлар таркиби диверсификациялашди, янги йўналишлар вужудга келди. Машинасозлик ва электроника маҳсулотлари, хўжалик буюмлари, ишлаб чиқариш техникаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Фақат товарлар экспортининг 2006-2019 йиллардаги ўзгариш динамикасига назар ташласак, 2009 йилда Хитой товарлар экспортида 2008 йилга нисбатан 16 фоизга тушиш ҳолати кузатилганини қайд этиш мумкин.

2006-2019 йилларда Хитой товарлар экспортининг ўзгариш динамикаси.³⁸

2.1.2-расм



Жадвал муаллиф томонидан UNCTADSTAT маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

³⁷ Маълумот UNCTADSTAT сайтдан олинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. Кирилган сана 16.03.2020 <https://unctadstat.unctad.org/wds/TableViewer/tableView.aspx>

³⁸ Ўша ерга қаранг

Бунинг асосий сабаби Хитойнинг энг йирик савдо ҳамкори АҚШда молиявий иқтисодий инқирознинг оқибатлари натижасида ХХРдаги савдо ҳажмининг ҳам тушуши билан боғлиқдир, аммо 2010 йилда бу кўрсаткич кескин 31,3 фоизга ошган, боиси Хитой товарлари янги бозорларни эгаллаган (жумладан, Марказий Осиё, Марказий ва Жанубий Америка бозорлари). Аммо 2011-2016 йилларда Хитой товар экспорти ҳажмида яна пасайиш ҳолати кузатилиб, бу Хитой юанини кадрили ошириш мақсадида олиб борилган сиёсатнинг натижасидир. Худди шундай вазият Хитой экспорт хизматлари динамикасида ҳам кузатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, товарлар экспорти динамикасидаги ўзгаришлар юқори технологияли товарлар экспорти ҳажмига ҳам таъсир қилди. Аммо эътиборга молик жиҳати, 2006 йилга нисбатан 2019 йилда юқори технологияли товарлар экспортида 5,6 фоизга тушиш бўлган. Бунинг боиси эса товарлар экспорти таркибида хом ашё ҳамда ярим фабрикат маҳсулотлар улушининг ошганлигидир.

2006-2019 йилларда товарлар экспорти таркибида юқори технологияли товарлар улушининг ўзгариш тамойиллари³⁹

2.1.3-расм.




Жадвал муаллиф томонидан UNCTADSTAT маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

ХХРда экспортни кўллаб-қувватлаш тенденцияси ҳолати таҳлили ташқи савдо баланси 90-йиллар бошига қадар салбий қолдиққа эга бўлганини кўрсатади. Бунинг асосий сабаби ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида технологик импорт миллий иқтисодиёт шаклланишининг ягона манбаси бўлгани билан изоҳланади.

³⁹Маълумот UNCTADSTAT сайтдан олинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. кирилган сана 16.03.2020 <https://unctadstat.unctad.org/wds/TableViewer/tableView.aspx>

1978-2018 йилларда Хитой ташқи савдоси динамикаси⁴⁰

2.2.1-расм.



Жадвал муаллиф томонидан Жаҳон банки маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Иқтисодий инқирозни бартараф этишда ХХР томонидан амалга оширилган фаол иқтисодий сиёсат (ташқи савдо соҳасида) 2009 йил охирида мамлакат экспорти ва импортнинг пасайиш тенденциясини ўзгартириш имконини берди ва 2012 йилга келиб ташқи савдо фаол равишда тикланди.

Ислохот йилларида экспорт таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Экспортда хом ашё ва унинг бирламчи қайта ишланган маҳсулотлари улуши камайди ва тайёр саноат маҳсулотларининг улуши сезиларли даражада ошди. Бу кўрсаткич - 1980 йилда 50% атрофида бўлган бўлса, 2012 йилга келиб 95% ни ташкил этди.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, нисбий кўрсаткичларнинг камайиши экспортнинг алоҳида маҳсулот гуруҳларининг мутлақ ўсиши динамикаси ўртасидаги фарқ билан боғлиқ. Хитой экспорти ҳажми 2011 йилда 7,1 мартага ошган бўлса, машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари экспорти 9,5 баравар, рангли металллар 9 баробарга, анъанавий экспорт (тўқимачилик, тўқимачилик ва пойабзал в.х.) 4,7 баробарга ошган.

Кузатишларимиз натижалари шуни кўрсатдики, Хитой иқтисодиёти ва ташқи савдосида, Хитой иқтисодиётини ривожланиш йўналишини белгиловчи узок муддатли ижобий тенденциялар қайд этилди. Жумладан, Хитой экспорт структурасига назар ташлайдиган бўлсак, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда машина ва ускуналар экспорти ўсиш тенденцияси кузатилиб, умумий экспорт таркиби 50,52% дан 59,15 %га ошган. Шунингдек, кимё ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳам ўсиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади.

Сўнгги ўн йилликда иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви давом этиб, халқаро савдонинг миқдори тез суръатда ўсиб бормоқда. Ташқи савдонинг Гравитация моделига кўра – икки катта мамлакат икки кичик мамлакатга нисбатан кўпроқ савдога киришади. Бундан ташқари, икки бир-

⁴⁰ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган
<https://data.worldbank.org/indicator/NE.IMP.GNFS.CD?locations=CN&view=chart>

бирига яқин мамлакатлар ўртасидаги савдо нисбатан узоқроқ жойлашган икки мамлакатга қараганда кўпроқ интенсив бўлади. Бир қатор классик савдо-сотиқнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи ва ушбу омилларни аниқлашга ҳаракат қилувчи энг машҳур эконометрик моделлардан бири (ташқи талаблар) гравитацион моделдир. Адабиётлар таҳлили, ташқи савдога сарфланадиган трансакцион харажатларнинг камлиги, логистика самарадорлиги ва инфратузилма мамлакатлар ўртасидаги савдони осонлаштиришга таъсир этувчи муҳим омиллигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда мамлакатларнинг ЯИМи ўзаро савдо алоқаларига бевосита таъсир кўрсатади. Тадқиқотимизда 230 та мамлакатнинг икки томонлама тайёр маҳсулотлар савдоси (экспорт-импорт) оқимини баҳолаш мақсадида унга таъсир этувчи қуйидаги муҳим омиллар ажратиб олинди ва гравитация модели тузилди:

- экспортёр мамлакатнинг ЯИМ ҳажми, (сотиб олиш қобилияти паретити билан, АҚШ доллариди);
- импортёр мамлакатнинг ЯИМ ҳажми, (сотиб олиш қобилияти паретити билан, АҚШ доллариди);
- экспортёр ва импортёр мамлакат орасидаги масофа (км ўлчовида);
- логистика фаолияти индекси (мазкур индекснинг қисми сифатида инфратузилма ва божхона самарадорлиги индекслари ҳисобга олинган);
- экспортга кетадиган вақт ва молиявий харажатлар;
- мамлакатларнинг мустамлака жиҳатидан тобелиги, умумий чегара каби ўзгарувчилар киритилган (агар мавжуд бўлса 1, мавжуд бўлмаса 0 рақамлари кўйилган).

Тадқиқотимизда мамлакатларнинг ўзаро савдо оқимини баҳолашда кичик квадратлар (кўп ўлчовли регрессия тенгламаси) усулидан фойдаланилди. Ўз навбатида мамлакатларнинг ўзаро савдоси (экспорт-импорти) – боғлиқли ўзгарувчи сифатида ўрганилди. 230 та мамлакатнинг ўзаро савдо жуфтлиги бўйича кузатишларимиз сони 464767 тани ташкил этди.

Юқоридаги омилларга функциянинг мустақил ўзгарувчилари сифатида қаралди.

Мазкур регрессион баҳолашда, 2018-2019 йил учун мамлакатларнинг ўзаро савдоси бўйича «UNCTAD Stat маълумотларидан, мамлакатларнинг макроиктисодий кўрсаткичлари ва логистика фаолияти (Logistics performance index)»⁴¹ бўйича Жаҳон банкининг расмий маълумотларидан фойдаланилди.

Ўтказилган татадқиқот натижалар қуйидагича:

| Усул: | I | II | III | IV | V |
|--------------------|--------------------------------------|--------|--------|--------|--------|
| Тобе ўзгарувчи: | I Мамлакатнинг J Мамлакатга Экспорти | | | | |
| i мамлакатдаги ЯИМ | 0.1840 | 0.7615 | 0.1210 | 0.1188 | 0.1148 |

⁴¹ Жаҳон банки маълумотлари <https://lpi.worldbank.org/international/global> ҳамда UNCTADSTAT сайтдан олинган маълумотлари <https://unctadstat.unctad.org/wds/TableViewer/tableView.aspx> асосида Муаллиф томонидан тайёрланди.кирилган сана 18.03.2019 йил

| | | | | | |
|---|------------------------|------------------------|------------------------|------------------------|------------------------|
| (лог) | (0.0000)*** | (0.0000)*** | (0.0000)*** | (0.0000)*** | (0.0000)*** |
| j мамлакатдаги ЯИМ (лог) | 0.1991 (0.0000)*** | 0.1992 (0.0000)*** | 0.1840 (0.0000)*** | 0.1655 (0.0000)*** | 0.1623 (0.0000)*** |
| Мамлакатлар ўртасидаги масофа (лог) | -0.1058 (0.0000)*** | -0.0938 (0.0000)*** | -0.3776 (0.0000)*** | -0.4007 (0.0000)*** | -0.3969 (0.0000)*** |
| Умумий чегаранинг мавжудлиги (лог) | 4.8512 (0.0000)*** | 4.9824 (0.0000)*** | 1.5123 (0.0000)*** | 1.3797 (0.0000)*** | 1.2637 (0.0000)*** |
| Умумий тилга эгаллиги (лог) | 2.1534 (0.0000)*** | 2.2153 (0.0000)*** | 1.2816 (0.0000)*** | 1.1654 (0.0000)*** | 1.1732 (0.0000)*** |
| Константа | -1.9337 (0.0000)*** | -1.8065 (0.0000)*** | 0.9921 (0.0097)** | 0.6705 (0.0739) | 0.5914 (0.1182) |
| i мамлакатдаги логистика сифати (лог) | - | - | 1.7225 (0.0000)*** | 1.5588 (0.0000)*** | 1.5279 (0.0000)*** |
| j мамлакатдаги логистика сифати (лог) | - | - | 1.8100 (0.0000)*** | 1.6134 (0.0000)*** | 1.7726 (0.0000)*** |
| i мамлакатдаги Экспортга кетадиган вақт (Хужжатларни расмийлаштириш учун, соат) (лог) | - | - | -0.4833 (0.0000)*** | -0.4526 (0.0000)*** | -0.4299 (0.0000)*** |
| j мамлакатдаги Экспортга кетадиган вақт (Хужжатларни расмийлаштириш учун, соат) (лог) | - | - | 0.5755 (0.0000)*** | -0.5576 (0.0000)*** | -0.5449 (0.0000)*** |
| i мамлакатдаги ялпи ички жамғарма жорий Ақш долларида (лог) | - | - | - | - | 0.0293 (0.0000)*** |
| j мамлакатдаги ялпи ички жамғарма жорий Ақш долларида (лог) | - | - | - | - | 0.0646 (0.0000)*** |
| R^2 | 0.308 | 0.345 | 0.417 | 0.435 | 0.485 |
| Кузатишлар сони | 464767 | 464767 | 464767 | 464767 | 464767 |

Баҳолаш натижаларига кўра, гравитация моделларида аниқланганидек, мамлакатларнинг ЯИМ ҳажми юқори ташқи савдо самарадорлиги билан кучли корреляцион боғлиқликка эга. Шунингдек, ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги масофанинг 10 фоизга узоқлашиши экспортни 3,9 фоизга камайишига олиб келиши кузатилди. Экспортчи мамлакатларда хужжатларни расмийлаштириш учун кетадиган вақтнинг 10 соатга узайиши экспортни 4,2 фоизга камайишига, импортчи мамлакатларда эса 5,4 фоизга камайишига олиб келиши кузатилди.

Шунингдек, ўзаро савдонинг ўсишида умумий чегаранинг мавжудлиги ва умумий тилга эга бўлиши муҳим ижобий таъсир кўрсатмоқда (Баҳолаш натижалари -жадвалда батафсил келтирилган).

«Ўзбекистон Республикасида экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини ривожлантириш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаларидаги экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тизимининг нисбий таҳлили, Ўзбекистоннинг экспортини қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантиришдаги асосий муаммолари, Ўзбекистон Республикасида экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини ривожлантиришда Хитой Халқ Республикаси тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, мақсадли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юқоридаги бобларда кўрганимиздек, экспортни қўллаб-қувватловчи ҳар қандай мамлакат ҳам экспортга йўналтирилган мамлакат бўла олмайди. Хитой экспорт сиёсатини экспортга йўналтирилган сиёсат деб айта оламиз. Жумладан, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва соҳаси экспорт учун хизмат қилади, ҳаттоки иқтисодий кўрсаткичлар ҳам экспорт ҳажмига боғланган. Жумладан, экспортнинг ўсиш кўрсаткичлари 15 фоиздан пасайиши, инфляция, ишсизлик даражаси, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига таъсир этиши, амалий тажриба ҳамда бизнинг таҳлилларимизда ўз исботини топди.

Ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, икки мамлакатнинг экспорт тизими, экспорт географияси, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг тариф ва нотариф усуллари, турлари, уларни қўллаш шакллари, ЭИҲларга яратилган шароитлар, экспортни молиявий ҳамда ташкилий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар сонининг ортиши ҳамда функцияларининг такомиллашуви жараёни таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон экспорт тизимида асосан, 6 турдаги маҳсулот ўрин эгаллаган бўлса, Хитойда бу кўрсаткич 19 турни ташкил этади. Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (14,2 %) Ўзбекистон экспорт структурасидаги устувор йўналиш ҳисобланса, Хитой экспорт тизимида машина ва ускуналар (59,15% билан) етакчиликни эгаллаб келмоқда. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Хитой экспорт структурасида тайёр маҳсулотлар асосий улушни ташкил этади. Ўзбекистон экспортининг асосий улуш қазилма бойликлар ҳамда ярим тайёр маҳсулотларга тўғри келади. Ҳар икки мамлакат экспорти учун умумий бўлган кимёвий маҳсулотлар, қора ва рангли металллар, озиқ-овқат маҳсулотлари сингари позициялар мавжуд. Ҳар икки мамлакатнинг экспорт географияси таҳлили қуйдагиларни кўрсатади.

Ўзбекистон ҳамда Хитойнинг 2019 йилдаги экспорт географиясининг солиштирма таҳлили*

3.2.1-жадвал

| № | Ўзбекистоннинг экспорт географияси | Ҳамкор давлатнинг экспортдаги улуши,% | № | Хитойнинг экспорт географияси | Ҳамкор давлатнинг экспортдаги улуши, % |
|----------|---|--|----------|--------------------------------------|---|
| 1. | Хитой | 16,0 % | 1. | Америка Қўшма Штатлари | 19 % |
